Ушбу сонда:
2 РЕЖАСИ БОРНИНГ ЭРТАСИ БОР
3 TV — ДАСТУРИ
4 *Шахмат* РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ — КУЧЛИЛАР САФИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

**2002 йил 11 январ, жума № 7 (1224)**

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Сарҳисоб*

## ФАОЛЛИК ҳамма жойда нега бирдек эмас

***Халқ хўжалигини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар, қўлга киритилаётган ютуқлар ва йўл қўйилаётган камчиликлар касаба уюшма ташкилотлари фаолияти ва аъзоларининг фаоллигига ҳам боғлиқдир. Аслида бу ишларнинг марказида инсон омили туради.***

Юртбошимиз Ўзбекистон касаба уюшмалари III қурултойи қатнашчиларига йўллаган табрикларида меҳнат аҳлига моддий-маънавий кўмак бериш, саломатлиги ва дам олишини ташкил этиш, жамоатчилик онгида ўзини-ўзи бошқариш кўникмаларини таъминлаш, одамларнинг ташаббус ва изланишларини рағбатлантириш вазифаларига алоҳида эътибор бериш лозимлигини уқтирганди.

Ўтган икки йил мобайнида Қашқадарё вилоят касаба уюшмалари Кенгаши, унинг раёсати, тармоқ қўмиталари ва қуйи ташкилотларнинг асосий эътибори қабул қилинган қарорларни изчил ҳаётга тадбиқ этиш, ижтимоий муҳофазани янада яхшилаш, касаба уюшмаларининг нуфузи ва обрўсини оширишга қаратилди.

Пленум ва раёсат йиғилишларида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, тарбиялаш ва улар билан ишлашнинг устувор йўналишлари, ижро интизоми, жамоа шартномаларининг бажарилиши, меҳнат қонунчилиги ва техника хавфсизлиги, соғломлаштириш, маънавий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари, ижтимоий суғурта ва маблағлардан фойдаланиш каби масалалар кўриб чиқилди.

Кейинги бир йил ичида корхона, ташкилот ва хўжаликларда тузилган жамоа шартномаларининг сони қарийб беш ҳиссага кўпайди. Муборак газни қайта ишлаш заводи (касабақўм раиси М.Нурмуродов), Муборак нефть ва газ конлари бошқармаси (Д.Бозоров), «Шўртангаз» (Ш.Йўлдошев), «Дунё» ҳиссадорлик жамияти (Ж.Тўхтаев), Касби туманидаги Ш.Рашидов номли жамоа хўжалиги (А.Жумаев), Қарши туманидаги С.Раҳимов номли хўжалик (М.Тўрақулов) сингари меҳнат жамоаларида ходимларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлиги тобора ошиб боряпти.

Бироқ, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасидаги муносабатларни ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида ривожлантириш Қарши йирик панелли уйсозлик корхонаси (касабақўм раиси Ҳ.Муҳаммадиев), «Керамзит» очиқ ҳиссадорлик жамияти (Х.Ҳайдаров), Ғузор туман Давлат солиқ инспекцияси (А.Имомқулов), «Қашқадарётелеком» шўъба корхонасининг Муборак туман филиали (С.Маматқулов) каби корхона ва ташкилотларда талабга жавоб бермайди.

Тадбиркорликнинг турли шаклларида фаолият кўрсатаётган кичик, ўрта ва хусусий корхоналар, савдо ва маиший хизмат тизимидаги ташкилотлар, агросаноат мажмуига қарашли деҳқон (фермер) хўжаликларининг кўпчилигида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳеч қандай меъёрий ҳужжат билан муҳофаза қилинмаётгани таажжубланарлидир.

Кейинги икки йилда меҳнатни техник назорат қилиш бўлими томонидан 450 га яқин корхона ва ташкилотда текшириш ўтказилиб, 3300 дан ортиқ ҳолатда қонун талаблари бузилганлиги кузатилди. 66 та цех ва участкалар вақтинча ишдан тўхтатилиб, 20 нафар раҳбар жаримага тортилди. Халқ хўжалигининг турли тармоқларида фожеа билан тугаган бахтсиз ҳодисалар сони кўпайгани ҳам техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси йўналишларида ҳали кўп иш қилиш зарурлигини кўрсатади.

«Қашқадарёкимётаъминот» бирлашмасида меҳнат муҳофазаси учун 1 миллион 200 минг сўм ишлатилиши белгиланган бўлса, бугунгача бор-йўғи 390 минг сўм ажратилган, холос. «Ўзэлектрмонтаж» жамланмаси, «Қашқадарётранс» экспедицияси, Яккабоғ, Косон, Муборак машина-трактор парки ҳиссадорлик жамиятларида меҳнат муҳофазаси тадбирлари учун етарли маблағ ажратилмаган. Ходимлар бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий суғурта қилинмаган.

Жойларда меҳнат қонунлари талабларига риоя қилишнинг аҳволи ўрганилганда 450 дан ортиқ қонунбузарлик аниқланди ва 73 та корхона раҳбари жарима тўлади.

Молиявий интизомни мустаҳкамлаш, ижтимоий суғурта ва касаба уюшма маблағларидан фойдаланишда жиддий нуқсонлар мавжуд. Ундирилмаган қарзлар 239 миллион сўмни ташкил этади. Шундан 182 миллион сўми агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси ҳисобига тўғри келади. Автотранспорт, тадбиркорлар, маданият, нефть ва газ саноати, қурувчилар савдо ходимлари касаба уюшма ташкилотларида қарздорлик тобора ошиб бормоқда.

Маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларига касаба уюшма маблағларидан 270 миллион сўм сарфланди. Лекин, айрим жойлардаги клуб ва кутубхоналар, ҳаваскорлик тўгараклари, спорт мажмуалари мақсадга мувофиқ ишлаяпти, деб бўлмайди.

Ходимлар ва фаоллар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш мақсадида Кенгаш ҳузурида ўқув маркази ташкил этилди. Уларда шу йилнинг ўзида 500 нафар тингловчи ўз билимини оширади.

Ўтган даврда вилоят Кенгашига 84 та ариза ва шикоятлар тушди. Улардан 5 таси тўлиқ кўриб чиқилмаганлиги учун аризачилар юқори ташкилотларга қайта мурожаат қилишга мажбур бўлганлар.

— Яқинда вилоят Кенгашининг V-пленуми бўлиб ўтди, - дейди биз билан суҳбатда Кенгаш раиси Эсон Ражабов. - Биз фаолиятимизга танқидий баҳо бериб, ишда туб бурилиш ясаш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишдек шарафли ва масъулиятли вазифани бажаришнинг аниқ йўналишларини белгилаб олдик.

**И.ИСОМУДДИНОВ.**

## КАРМАНА ФАХРИЙЛАРИ ТАШАББУСИ

Карманалик қариялар 2002 йилнинг Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилиниши муносабати билан туман ва вилоят аҳолисига мурожаат билан чиқди.

Кекса авлодга Президентимиз ва давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор учун миннатдорлик билдирилган Мурожаатда карманалик фахрийлар вилоят аҳлини ижтимоий ҳаётда янада фаол бўлишга даъват этади. Янгиланишлар жараёнида ўзлари ҳам муносиб иштирок этишларини изҳор этади.

«Вилоятимиз шаҳар ва қишлоқлари сўнгги йилларда янгича қиёфа касб этмоқда,- дейилади Мурожаатда. - Уларни янада кўркам қилиш, боғ-роғлар яратиш, атроф-муҳитни тоза сақлаш, кўча ва маҳаллаларни обод қилиш барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир.»

Карманалик фахрийларнинг ибратли ташаббусини вилоят аҳли қўллаб-қувватламоқда. Эрта баҳордан бошлаб вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида 3 миллион тупдан ортиқ мевали, манзарали кўчат экиш мўлжалланмоқда.

**(ЎзА).**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

### «O`zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ўн йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучлар қурилиши ишига муносиб ҳисса қўшган ҳарбий хизматчиларни рағбатлантириш мақсадида:

1. «O`zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишони таъсис этилсин.

2. «O`zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2001 йил 25 декабр

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 25 декабрдаги Фармонига 1-илова*

### «O`zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишони тўғрисида НИЗОМ

1.»O"zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишони билан Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучларини мустаҳкамлашга, давлатнинг мудофаа қудратини ҳар томонлама оширишга ҳисса қўшган шахслар, ўзининг юксак касб маҳоратини, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчига садоқатини намоён қилган ҳарбий хизматчилар, шу жумладан, мамлакатнинг мустақиллигини, унинг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш учун бўлган жанговар ҳаракатларда иштирок этган ва заҳирага бўшатилган ёки истеъфога чиқарилган ҳарбий хизматчилар, шунингдек, ҳарбий ҳамда хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ёҳуд яраланган ва шикастланган ҳарбий хизматчилар тақдирланадилар.

2.«O`zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишони билан тақдирлаш Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг буйруқлари асосида амалга оширилади.

3. «O`zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти - Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони номидан бригада командирлари ҳамда уларга тенглаштирилган ва юқори турувчи мансабдор шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга белгиланган шаклдаги гувоҳнома берилади.

4. «O`zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишони кўкракнинг чап томонига давлат мукофотларидан кейин тақилади.

5. «O`zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишони шахснинг вафотидан кейин унинг оиласида тегишли гувоҳнома билан бирга эсдалик сифатида сақлаш учун қолдирилади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 25 декабрдаги Фармонига 2-илова*

### «O`zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишони ТАВСИФИ



«O`zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишони 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланиб, диаметри 34 миллиметрли доира шаклига эга бўлади.

Эсдалик нишонининг олд томонида саккиз қиррали юлдуз фонида кесишаётган қиличлар билан қалқон акс эттирилган. Қалқонда ярим ой ва юлдузча тасвирланган. Қалқоннинг қуйи қисмида ҳилпираб турган лентага Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигини ва юбилей санасини билдирувчи 1992-2002 рақамлари ёзилган.

Эсдалик нишонининг доираси бўйлаб «O`zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» ёзуви мавжуд.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қавариқдир.

Эсдалик нишонининг қирралари ҳошияланган.

Эсдалик нишони эни 24 миллиметрли ҳаво ранг шойи муҳайяр тасма билан қопланган беш қиррали колодкага ҳалқача ёрдамида туташтирилади. Тасма эни 2 миллиметрли сариқ рангдаги йўллар билан ҳошияланган. Тасманинг ўртасидан бир-биридан эни 2 миллиметрли сариқ йўл билан ажралиб турадиган эни 3 миллиметрли иккита яшил рангли йўллар ўтган.

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

## МОДДИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ

***Газетамизнинг ўтган йил 20 октябр сонида чоп этилган «Тақдир сўқмоқлари» сарлавҳали мақолада Сайхунобод тумани пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Шўрўзак» пахта қабул қилиш пункти чилангари Бахтиёр Рустамов корхонада жароҳатланганидан кейин саломатлиги ёмонлашгани туфайли бирор иш этагини тутолмаётгани ва бир неча марта корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасига қилган мурожаати оқибатсиз қолаётгани хусусидаги масалалар кўтарилган эди.***

***Ана шу мақолага туман мутасаддиларидан жавоб хати олинди. Унда шундай дейилади:***

— Газетада қайд этилган далиллар туман пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти ва касаба уюшма ташкилоти раиси иштирокида кўриб чиқилди. Маълум бўлишича, Б.Рустамов 13 йил мобайнида моддий ёрдам сўраб бирон марта ҳам мурожаат этмаган. Шу йилнинг август ойидагина ижтимоий ҳимояга муҳтожлигини оғзаки билдирган. Шунга кўра ва газета чиқишидан кейин корхона маъмурияти касаба уюшма қўмитаси билан келишган ҳолда фуқаро Б.Рустамовга 297-чиқим ордери орқали энг кам иш ҳақининг тўрт баробари миқдорида — 13 минг 240 сўм моддий ёрдам пули берди. Кейинги беш ой мобайнида эса унга жами 45535 сўмлик нафақа пули тўланди.

**Р.НОРМУРОДОВ, Сайхунобод тумани ҳокими.**



## ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Самарқанд тумани маркази Гулободда Ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди. 400 нафар ёшларни бағрига олган бу билим масканида нафақат Самарқанддан, балки қўшни Жиззах, Навоий, Қашқадарё, Бухоро вилоятларидан келган талабалар ҳам таълим олмоқда.

Коллеж ҳисобчилик, банк ишлари, ҳуқуқшунослик, Халқ таълими соҳасида тўгарак ишларини ташкил қилиш, мактабгача таълим муассасаларини тарбиячиси каби соҳалар бўйича мутахассис тайёрлайди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур муҳташам, замонавий ўқув даргоҳини вилоятдаги «Ширкатқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг қўли гул бунёдкорлари барпо этди.

***Суратларда:талабалар Гулжаҳон Ҳасанова ва Истода Мансурова Гулободдаги Ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи биносининг умумий кўриниши;***

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**



*Қаҳрамонлар орамизда*

## ФЕРМЕР кирой шундай бўлса

***Оққўрғонлик Абдумалик Каримов ўзи яшаётган «Янги ҳаёт» маҳалласида хайрли ишларнинг ташаббускори ҳисобланади. Жумладан, ҳар йили Наврўз байрамида, Навоий номли жамоа хўжалигида жойлашган ўрта мактабнинг таъмирлаш ишларида, беш нафар кам таъминланган оилани моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда камарбасталик қилиб келади.***

Оддий шофёр бирданига касбини ўзгартириб, ерга меҳр қўйишини, фермерлик қилиб, бир мавсумдаёқ нафақат туманда, балки республикада илғорлар сафидан ўрин олишини ким ҳам хаёлига келтирибди, дейсиз.

«Ўғлим, яна сафаргами, ҳали у ерда, ҳали бу ерда ҳафталаб юравериш меъдангга тегмадими, ундан кўра деҳқончилик қил, ер билан тиллаш», деганди унга отаси. «Майли, отажон, шу гал ҳам сафарга борай, кейин ўйлаб кўрамиз», деб жавоб қайтарганди у.

... Ўша куни ҳам у одатдагидек тонг саҳардан узоқ манзил сари сафарга отланди. Аммо бу сафар ҳайдовчилик давридаги сўнгги қатнов эканлигини у ҳали билмасди. Йўлдаги автоҳалокат...

Абдумаликни касалхонага олиб келишганида у ҳушсиз, ҳамма ёғи мўматалоқ, қўл-оёқлари синган бир ҳолатда ётарди. Шифокорларнинг саъй-ҳаракати ва тажрибалари унга қайта ҳаёт ато этди. Орадан ойлар ўтди. Шифокорлар муолажаси зое кетмади. Шунда отасининг ўгитлари қалбида туғён ура бошлади. Боз устига, ишлаб юрган одам эмасми, уйда ўтираверишни ўзига эп кўрмади.

Навоий номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси билан мулоқот қисқа бўлди:

— Дадангизни яхши биламиз, — деди раис. — Биринчи бўлимдаги 56 гектар майдон жамоа қарорига кўра сизга ажратилади. Гапнинг рости, бу майдондан ҳеч қачон 20 центнердан ошириб ҳосил олмаганмиз.

Эл ишончи катта масъулият, деб бежиз айтишмайди. Абдумалик ака бош-қош бўлган «Покиза-М» фермер хўжалигига ажратилган майдон ҳеч бир ишлов берилмаган, тақир ердан иборат эди. Раиснинг «Техника масаласи чатоқ!..», деганича бор экан. Ғалла ўрими тугаганига тўрт ойдан ошган бўлса-да, на бир техника кирган бу ерга, на бирор қарич ер шудгорланган ва текисланган. Кузги дон экиш мавсуми эса ўтиб бормоқда.

Дастлабки иш ерни оби-тобига келтиришдан бошланди. Режа асосида 25 гектар майдоннинг ҳолати яхшиланиб, барака уруғи сочилди. Албатта, қисқа фурсатда бу ишларни бажаришнинг ўзи бўлмади. Хўжалик маъмурияти, туман ҳокимлиги кўмакка келди. Қолаверса, 20 нафарга яқин ишчиларнинг ҳам саъй-ҳаракатлари ва тажрибаси асқотди.

Шу билан бирга, ҳосилдорликнинг пасайиш сабаблари ўрганилиб, бу борадаги муаммоларга барҳам берилди. Чунончи, ишчиларни моддий рағбатлантириш ва иш ҳақини ойма-ой бериб боришга алоҳида эътибор қаратилди: шунингдек, экин майдонига қайтадан ишлов берилиб, кўтарма насослар сотиб олинди.

Бирни эккан, мингни олади, деган гап бор халқимизда. Албатта, унинг замирида меҳнат ва машаққат, изланиш ҳамда тажрибаларни амалиётда қўллаш масъулияти мужассам. Тадбиркор нафақат ҳайдовчиликда, балки деҳқончиликда ҳам шу соҳанинг ҳадисини олганлардан қолишмаслигини ўтган йилги ғалла ўрими ва пахта йиғим-терими мавсумидаёқ кўрсатди-қўйди. Ғалла ҳосилдорлиги 55, пахта эса гектарига 35 центнерни ташкил этди. Ҳолбуки, узоқ йиллар ана шу майдондан хўжалик пахта ҳосилини атиги 20, ғаллани эса 14-15 центнерданга уддаларди, холос.

Энди масаланинг яна бир жиҳати ҳам бор: айтайлик, ер хўжалик ихтиёрида бўлган даврда бир гектар экин майдони учун кетган сарф-харажатлар етиштирилган ҳосилга нисбатан 4-5 баравар кўпироқни ташкил этганди. Экин майдони «Покиза-М» фермер хўжалиги ихтиёрига ўтгач, харажатга нисбатан соф фойда беш бараварга ортди.

Шу ўринда бир мисол келтирсак.

— Гапнинг рости, жамоа хўжалиги тасарруфидаги ана шу майдон ҳолатини яхшилаш ва бу ерга сув чиқариш мақсадида кўп бор ҳаракат қилгандик. Аммо ҳар галги уринишларимиз самарасиз кетарди. Гоҳ насос куяр, гоҳ ер нотекис бўлганлиги боис, экинлар тўлиқ қониб сув ичмасди, — дейди туман ҳокими Абдуғани Деҳқонбоев. — Ваҳолонки, ер ҳақиқий эгаси ихтиёрига топширилгач, унумдорлик анча ошиши билан бирга манфаатдорлик ҳам шунга яраша бўлишини деҳқонларимиз англаб етишди.

Бу гапда жон бор: яъни хўжаликнинг айни шу бўлимида меҳнат қилиб, йиллаб даромад кўрмаган ва иш ҳақига қўшимча рағбатлантириш нима эканлигини билмаган ишчилар фермер хўжалигига аъзо бўлгач, ҳар ойда 18-20 минг сўмдан ойлик-маош, мавсум якунида эса 500 килограммдан ғалла, 35 килограммдан ўсимлик ёғи ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари олишди. Ишчиларни моддий қўллаб-қувватлаш ва сарф-харажатлардан ташқари йил охирида фермер хўжалиги нақд олти миллион сўм соф даромад кўрди.

Бозор иқтисодиёти шароитининг талаби қатъий: яхши ишлаган, яхши яшайди. Шунинг учун у сарфланаётган бир сўмнинг эртанги самараси хусусида ҳам жиддий бош қотиришни тақозо этади.

*(Давоми 2-бетда)*

(Боши 1-бетда)

# ФЕРМЕР киройи шундай бўлса

Айни шу талаблар асосида «Покиза-М»нинг ишлаб топган маблағи ўзиники, лекин кўпгина хайрли ишларда унинг улуши қандай бўлаяпти, деган савол туғилиши табиий.

Бу борада фермер хўжалигининг эзгу ишлари сероб. Мавсум якунида тумандаги кам таъминланган 15 та оилага буғдой, ёғ, ун тарқатилди. Шунингдек, ҳудуддаги мактаб ва болалар боғчасини жорий таъмирлашда моддий ёрдам кўрсатилди. Булардан ташқари, иккита ун ва шоли оқлаш тегирмони ишга туширилиб, янги ишчи ўринлари яратилди. Уч нафар боқувчисини йўқотган ва тўрт нафар аълочи ўқувчи оталиққа олинган. Янги йил арафасида тумандаги нуронийлардан 50 нафари фермер хўжалигининг саховати ила Самарқанддаги тарихий обидаларни ва Исмоил ал-Бухорий мажмуини зиёрат қилиб келишди. Янги йил байрамида эса мактаб ўқувчиларининг 300 нафари фермер совғасидан баҳраманд бўлди.

— Истиқлолнинг дастлабки йилларида Юртбошимиз томонидан узоқни кўзлаб ишлаб чиқилган — Бозор иқтисодини шакллантиришнинг беш тамойилидан бири сифатида тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга асос солинганлиги бугун ўз самарасини бермоқда, — дейди «Покиза-М фермер хўжалиги раҳбари А.Каримов. — Ўтган даврда тадбиркорлар истеъмол бозорини тўлдириш билан бирга, ёшларни иш билан таъминлашга ва янги иш ўринлари барпо этиб, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашга беминнат ҳисса қўшмоқдалар. Шу жумладан, биз ҳам ана шундай эзгу ният билан меҳнат қиляпмиз.

«Покиза-М» аъзоларининг жорий йилда ҳам олдиларига қўйган мақсадлари бир талай: маҳаллани тоза ичимлик суви билан таъминлаш, томат ишлаб чиқариш цехини ишга тушириш, янги шийпон қуриб, уни компьютерлаштириш, мактабда алоҳида компьютер синфини ташкил этиш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш анъанасини давом эттириш шулар жумласидандир.

Яқинда Тошкент вилоятидаги фермерлар фаолияти ҳукумат комиссияси томонидан таҳлил этилганида «Покиза-М» фермер хўжалигининг ишлаб чиқаришдаги кўрсаткичлари алоҳида тилга олинди. Шу боис, фермернинг имкониятлари ўрганиб чиқилиб, Навоий номли жамоа хўжалигидан унга яна 50 гектар экин майдони ажратиб берилди.

Албатта, нуфузли комиссиянинг фермер хўжалиги аъзоларига бўлган эътибори, улар кучига-куч қўшиши шубҳасиз. Лекин фермер хўжалиги аъзоларини қарийб ярим йилдан буён қийнаб келаётган муаммо ҳам йўқ эмас.

— Хўжалик аъзолари билан имкониятлар ўрганиб чиқилиб, чорвачилик, паррандачиликни ташкил этиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шу ернинг ўзида қайта ишлашга ихтисослашган кичик корхоналар қуришиб 30 нафар кишига мўлжалланган янги иш ўринлари барпо этишга келишиб олгандик, — дейди фермер хўжалиги раҳбари. — Шу мақсадда бизнес-режа тузиб, сарф-харажатларни ҳисоблаб чиқдик ва ўтган йилнинг август ойида туман «Тадбиркорбанк»ига тақдим этдик. Аниқ ҳисоб-китобларга кўра, агар ўн миллион сўм маблағ бўлса, режадаги ишларимиз аллақачон битиб кетарди. Шунга қарамай, банк ва вилоятдаги айрим мутасадди ташкилотлар, хусусан, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси мутасаддилари «маблағ йўқ, бугун келинг, эртага келинг» баҳонасида бизни қўллаб-қувватламаяпти. Лоқайдликни қарангки, «Тадбиркорбанк»ка 2001 йилнинг 1 августида ариза берган бўлсам-да, меҳнат биржасида бу ариза 7 декабрда кўриб чиқилиб, янги йил олдидан бизни меҳнат биржасига чақириб, қўлимизга «рад этиш» тўғрисидаги қоғозни тутқазишди.

Албатта, етти ўлчаб бир кесган янглишмайди. Лекин мутасаддилар темирни қизиғида бос, деган нақл ҳам борлигини ёдга олиб, омилкор, ташаббускор фермерга ҳамкорлик қўлини узатсалар ёмон бўлмасди.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**




Юқоричирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» пахта тозалаш заводи кейинги йилларда яхши натижаларга эришаётган корхоналардан. . Айни пайтда жамоада 380 нафар ишчи-хизматчи бўлиб, уларни ижтимоий ҳимоялаш ва рағбатлантириш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

**Суратларда: техника назорати бўлими бошлиғи Галина Шира маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда; корхона илғорлари Умрзоқ Кубаев, Акбар Ҳожибоев келгуси режалар хусусида суҳбатлашмоқда.**

## Дунё бизни танимоқда, биз дунёни

***Азиз муштарий!***

***Агар эътибор бериб қарасангиз, кейинги пайтларда оммавий ахборот воситаларида кроссворд, сканворд, ЎзТВда «Заковат», «Зинама-зина», «Мўъжизалар майдони», ОРТ орқали «Кто хочет стать миллионером», «Слабое звено» каби кўрсатувлар олиб борилмоқда. Бунда интеллектуал, яъни ақлий билимлар асқотмоқда, зеҳни ўткир, фикр доираси кенг инсонлар катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Аммо, афсус, оддийгина саволларга жавоб бера олмай бошини ҳам қилиб кетаётганларни ҳам учратиб турибмиз.***

***Билим олиш ҳеч қачон кеч эмас. Айниқса, тарих, география, иқтисодиёт соҳалари барчада бирдек қизиқиш уйғотади. Шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, газетамизда янги рукн очишга ва буни етакчи мамлакатлар бўйича маълумотлар бериб боришдан бошлашга жазм қилдик.***

# АВСТРИЯ

Марказий Европадаги давлат, ҳудуди 83.849 кв.км. Аҳолиси 8 млн. (1996). Пойтахти — Венада 1,6 млн. аҳоли истиқомат қилади. Йирик шаҳарлари: Грац (232 минг киши яшайди), Линц (203 минг), Зальцбург (144 минг). Маъмурий-ҳудудий жиҳатдан 9 федерал ҳудудга бўлинади. Аҳолисининг 98 фоизи немис тилида сўзлашади; шунингдек, словенлар, хорватлар, венгерлар, чех ва словаклар ҳам бор. Расмий тили — немис тили. Пул бирлиги — шу кунгача эркин муомаладаги валюта — австрия шиллинги эди. Янги йилдан бошлаб ЕВРО валютаси зонасидадир.




1929 йилда қайта таҳрир этилган Федерал конституцион қонунга кўра, Австрия демократик парламентар ва федератив республикадир. Давлат бошлиғи федерал президент бўлиб, аҳоли томонидан 6 йилга сайланади. Олий ижрочи ташкилот — ҳукумат ҳисобланади ва уни федерал канцлер бошқаради.

Европа Иттифоқи (ЕИ) аъзоси, Венада ОПЕК штаб квартираси, МАГАТЭ ташкилоти ва бошқа нуфузли идоралар жойлашган.

Австрия мустақил давлат сифатида 1918 йилнинг ноябрида Австро-Венгрия империясининг парчаланиши туфайли юзага келди. 1938 йили бу давлат фашистлар Германиясига зўрлик билан бирлаштирилди ва 1955 йилнинг май ойида қайта тикланди. 1955 йилнинг октябрида Австрия парламенти мамлакатнинг доимий нейтралитети тўғрисидаги конституцион қонунни қабул қилди. Бу қонунга кўра, Австрия турли ҳарбий блокларга аъзо бўлмайди ва бунга тўла амал қилиб келмоқда.

Австрия Европа ва умуман жаҳондаги энг ривожланган давлатлар қаторига киради. Сўнгги йилларда бу давлатнинг иқтисодиёти юқори суръатлар билан ривожланмоқда. Ялпи миллий маҳсулот ҳажми 139,3 млрд долларни, жон бошига 17500 долларни ташкил этади, йиллик ўсиш 3 фоизга тенг. Мамлакат иқтисодиётида хорижий сармоялар катта ўринни эгаллайди ва унинг ҳажми 75 млрд шиллингга тенг. Асосий хорижий инвестор Германия Федератив Республикасидир.

(Давоми 4-бетда)

## Тренинг

Эркин фикрлаш, ўз сўзини тортинмасдан айта олиш имкони туғилгач, руҳият ҳақида кўпроқ ўйлай бошладик. Бугун эса янада чуқурроқ, кўпроқ изланаяпмиз. Бизнинг оғзимиздан чиққан гапларнинг маъно ва мазмунини фарзандларимиз қандай чақишяпти?

# РЕЖАСИ БОРНИНГ ЭРТАСИ БОР

Ёш авлоднинг дунё қараши, уларнинг фикру ўйи катта авлод интилишларига мосми? Қолаверса, улар қалбига киришнинг эвини қила оляпмизми? Тан олиш лозим, Сирдараё вилоят касаба уюшмаларининг WILL лойиҳаси тажрибаларига таяниб амалга оширилаётган тренинглари, айниқса, диққатга сазовордир.

Яхшиларга эргашиш, ўзини оқлаган ибратли ишлардан андоза олиш фақат фойда келтиради. Нодира номли Гулистон педагогика коллежида бўлиб ўтган тренинг бу ҳақиқатни яна бир карра исботлади.

Талаба қизлардан йигирма бир нафари танлаб олинди. Улар бир неча гуруҳларга бўлинган ҳолда фаолият кўрсатишди. Ҳаёт аталмиш сўқмоқнинг сиру синоати кўп. Унинг ҳар қатида синовлар бор. Бу нотекис йўл кишини толиқтиради. Бироқ, ҳамма ҳам ўз келажагини кўра билиш қобилиятига эга эмас.

Ваҳоланки, ҳар бир одам ўз истиқболи хусусида пишиқ-пухта режага эга бўлиши, ана шу мақсад йўлида интилиши лозим. Лойиҳа тренерлари талаба қизлар фикрини бир жойга жамлаш, улар муҳокамасига кўплаб саволлар ташлаб, фикрлашдаги тортинчоқликка чек қўйишга эришди.

Мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган бу ёшлар эртага, мураббий, ёшлар тарбиячиси, қайсидир бир хонадон бекаси, кимнингдир маслаҳатгўйи — сирдоши бўлади. Шунинг учун ҳозирданоқ фақат ўқиш эмас, ҳаётни пухта уқиб олиш ҳам зарур.

Қизлар бу борада пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммоларни ечишга интилишди.

— Тренингдан кўзланган мақсад қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш билан бирга, улар иродасини чиниқтириш ҳам эди, — дейди WILL лойиҳаси тренери, Сирдарё вилоят касаба уюшмалари Кенгаши маданият ва ёшлар муаммолари бўлими мудири Муҳаббат Қурбонова. — Ҳозирги ёшларга фақат уқтириш, ўргатиш кифоя эмас. Уларни тинглаш, қизиқишини ўрганиш, қалбига қулоқ солиш ҳам кўриш керак.

Чуқур мулоҳазаларга ундайдиган саволлар тренинг қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

— Ота-онамиз бағрида ҳеч нарсани ўйламасдан беғам-беташвишмиз, — дейди талаба Феруза Омонова. — Тренинг чуқур мушоҳадага ундади. Нафақат ўзимиз, балки, биз тарбия берадиган ёшларни ҳам кичиклигидан катта ҳаётга тайёрлаб бориш вазифалари турибди. Улар руҳиятида эзгулик туйғуларини қанча эрта шакллантирсак, шунчалик кўп самара беришига ишонч ҳосил қилдик.

Яхши сўз — жон озиғи, дейишади. Талабалар шу куни сўз қудратини ҳам чуқур ҳис этдилар.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ - АМАЛДА

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи ўқув юртларида таълим ва тарбия жараёнини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш, ўқитувчилар малакасини ошириш, соҳага замонавий технологияларни, компьютер, интернет, масофадан ўқитишни кенг жорий қилишни тақозо этади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт, бизнес, мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ҳамкорликда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тизимини ривожлантиришнинг долзарб масалалари» мавзуида ўтказган семинарда мутахассисларнинг шу ҳақдаги маърузалари тингланди.

Анжуманда Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов иштирок этди.

(ЎзА).

# ТАЙЁР МАҲСУЛОТ — ХОРИЖГА

Шаҳрихон туманида фаолият кўрсатаётган "Антекс" акциядорлик жамияти жамоаси ип газламадан тайёрланган эркаклар шими, кўйлаги, костюми, болалар ва аёллар кийимларни хорижга сотишни йўлга қўйдилар. Бунгача корхона хорижга фақат калава ва газлама етказиб берар эди.

Мазкур тўқимачилик мажмуининг тўқув фабрикаси цехларида АҚШ, Германия ва Италиядан келтирилган замонавий ускуналар ўрнатилган. Маҳаллий мутахассислар эса Тошкент, Бухоро, Қарши ўқув марказларида ва Ўзбекистон енгил саноатининг бир қатор қўшма корхоналарида ўқиб қайтишди. Корхонада чиқарилаётган кийим-кечаклар сифатли ва харидоргирлиги билан диққатга сазовор. Ҳозирча бу маҳсулотлар Марказий Осиёдаги қўшни республикаларга, Россия Федерациясига юборилмоқда.

Шу кунларда "Антекс" акциядорлик жамияти АҚШ, Германия, Жанубий Корея ва Хитойдаги шериклари билан бу мамлакатларга тайёр маҳсулотларни жўнатиш борасида музокара олиб бормоқда.

## ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛГАНДА

Навбаҳор туманидаги «Истиқлол» хўжалиги қисқа фурсат мобайнида иқтисодиётини мустаҳкамлаб, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашни йўлга қўйди. Ўтган йил давомида кам таъминланган ва ночор оилаларга 2 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож яккаёлғизлар хўжалик касаба уюшма қўмитаси томонидан доимий назоратга олинган бўлиб, улар тез-тез хабар олиб турилибди. Жумладан, Ногиронлар куни муносабати билан уларга 135 минг сўмлик совға-саломлар туҳфа қилинди.

Ўтган йил кам даромадли хонадон соҳибаси Пардагул Хидирова ҳаётида унутилмас из қолдирди. Унга хўжалик ҳисобидан уй-жой тортиқ қилинди. Сафо бобо Ашуровга эса қурилиш материалларидан ёрдам берилди.

— Эришилган ютуқларнинг бош омили пудратчилар билан тузилган шартномаларнинг бажарилиши йўлга қўйилгани, ўзаро ишонч мустаҳкамланганидадир, — дейди хўжалик раиси Сирож Бекбўтаев. — Режадан ортиқ дон етиштирган 27 оилавий пудратчига мукофот тариқасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари берилди.

**Ялғош САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ЯҚИН ШАРҚ ВА ФАЛАСТИНЛИКЛАР

***Жаҳон аҳли Яқин Шарқ воқеаларини ҳамон диққат билан кузатиб бормоқда. Яқинда АҚШ маъмурияти махсус вакили, истеъфодаги генерал Энтони Зинни етакчилигидаги халқаро делегациянинг Яқин Шарқ минтақасига навбатдаги ташрифи амалга ошди. Ёдингизда бўлса, ўтган йилнинг ноябр ойи охирида Энтони Зиннининг дастлабки сафари минтақадаги ҳарбий-сиёсий кескинликнинг бартараф қилинишига олиб келмаган эди.***

Навбатдаги ташриф Яқин Шарқда тинчлик жараёнини бошлаш учун умид учқунларини пайдо қилганлиги билан эътиборга молик. Бундан ташқари, АҚШ делегацияси минтақага келиб кетгач, яна бир нуфузли дипломатия вакиллари Яқин Шарқда бўлди. Бу Европа Иттифоқининг ташқи сиёсий масалалар бўйича координатори (мувофиқлаштирувчиси) Хавьер Солана раҳбарлигидаги Европа Комиссиясидан иборат вакилларнинг ташрифидир.

Умуман, Яқин Шарқда тўхтаб қолган тинчлик музокараларини қайтадан бошлаш йўлида фаол дипломатик ҳаракатлар олиб борилмоқда. Дарвоқе, Энтони Зинни миссиясининг навбатдаги ташрифи январ ойининг иккинчи ярмига мўлжалланган. Бу масалага тарихий нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак, Ғарб дунёси, айниқса, АҚШ минтақада ҳарбий-сиёсий мувозанатга эришиш борасида катта тажрибага эгадир. Хусусан, ўтган асрнинг 70-йилларида АҚШнинг ўша кезлардаги давлат котиби Генри Киссенжернинг минтақага кўп бор келганлиги ёки Оқ уйнинг махсус вакиллари Мурши Даян (XX асрнинг 70-80-йиллари) ҳамда Деннис Роснинг (яқин-яқингача) Яқин Шарқда олиб борган музокаралари ҳар қалай бесамар кетмаганлигини таъкидлаш муҳим.

Бугун Араб-Исроил муносабатлари ҳақида гап кетганда, аввало Фаластин билан Исроил можароси кўз ўнгимизда гавдаланади. Зеро, Фаластин муаммоси — бу салкам 55 йилдан бери ловуллаб ёниб турган Яқин Шарқ муаммосининг ядросини ташкил этади. Инкор қилмаслик керак, Миср, Иордания, Ливан ва Сурия каби араб давлатларининг Исроил билан муносабати ҳам минтақавий тангликнинг узвий занжиридан жой олган. Аммо, Миср, Иордания каби давлатлар билан тинчлик аҳдномасининг имзоланиши Исроил учун нисбатан қулайликлар яратди. 2000 йилнинг май ойида (у пайтда Исроил бош вазири Яҳуд Барак эди) Исроил ўз қўшинларини Ливан жанубидан олиб чиқиб, ўзининг ҳудудига келтирганидан сўнг Исроил-Ливан муносабатларида ҳам оз бўлса-да, мўътадиллик юзага келди.

Лекин, бундай талқинни Исроил билан Сурия ўзаро алоқаларига нисбатан ишлатиб бўлмайди. Сурия раҳбари Ҳафез Асаднинг вафотидан сўнг Яқин Шарқ сиёсий мулоқотида, жумладан, Исроил-Сурия муносабатларида туб ўзгаришлар бўлиши кутилган эди. Бироқ, Сурия ҳокимияти тепасига келган Башир ал-Асад (Ҳафез Асаднинг ўғли) минтақада радикал ўзгаришлар учун йўл очолмади. Афтидан унинг қарийб икки йиллик бошқаруви даври ҳам аслида марҳум отаси олиб борган сиёсатнинг давоми бўлди, холос.

Хўш, бу нималарда кўринади?

— 1967 йили Исроил томонидан забт этилган Сурияning Жўлон тепаликлари муаммосида ён бермаслик йўли ҳамда музокараларга рози бўлмаслик;

— Ливаннинг жанубидаги Бекаа водийсида (яъни, Исроил билан чегара ҳудудида) ҳамон Сурияning моторлашган ҳарбий қисмларининг сақланаётганлиги ва айнан шу ерда Сурия қуролли кучларининг радар мосламалари жойлаштирилганлиги;

— Сурия томонидан фаластинликларнинг жангари гуруҳлари, хусусан, ХАМАС, ФОТҲ каби ҳарбийлашган кучларнинг қўллаб-қувватланаётганлиги ва қурол-яроғ манбаси асосан Сурия билан Иордания бўлиб қолаётганлиги;

— Яқин Шарқ минтақасида террорчилик ҳаракатларининг пайини қирқиш масаласида Сурияning таъсири сезилмаётганлиги;

— Айрим араб давлатларининг (Ливия, Судан, қисман Саудия Арабистони) Исроилга нисбатан ҳарбий тазйиқни кучайтириш йўлини ёқлаб овоз бераётганлиги ва бошқа сиёсий жараёнлар, минтақадаги вазиятнинг издан чиқишига, хусусан Фаластин мухториятининг имкониятларини (аниқроғи, мустақил давлат барпо этиш йўлидаги интилишларни) чеклаб қўйишга сабаб бўлмоқда.

Яна бир ҳолат фаластинликлар тақдири билан бевосита боғлиқ. Гарчи кейинги чорак аср мобайнида Сурияning Ироқ билан муносабатлари яхши бўлмасада, Саддам Ҳусайн Исроилга қарши қуролли ҳужум қилиш даъватидан қайтмай келмоқда. Сурия расмийлари бу ҳолатга муносабат билдирмаган бўлса ҳам, сукут сақлаш сиёсати розилик аломати, деган тахминларга сабаб бўлмоқда.

## Шарҳловчи минбари

Фаластин муаммоси юзасидан музокараларнинг боши берк кўчага кириб қолганлиги, мустақиллик ҳаракатлари у ёқда турсин, ҳатто мухторият мақомининг хавф остида қолаётганлиги сабаблари ҳақида яна узоқ тўхталиш мумкин. Бизнинг назаримизда қуйидаги ҳолатлар фаластинликлар тақдирини ачинарли аҳволга келтириб қўйди:

— Кейинги 10-12 йил ичида эришилган йирик тинчлик аҳдномаларининг бирин-кетин поймол бўлаётганлиги;

— Исроил манзилгоҳлари ва Қуддус шаҳрининг сиёсий мақоми теварагида томонларнинг қарашларидаги кескин тафовутлар;

— Яқин Шарқ минтақасида террорчилик ҳаракатларининг авж олиши, шунингдек, 1987 йилда бошланган, 2000 йилнинг сентябридан янги босқичга кирган озодлик учун кураш ҳаракати — Интифада амалда қўпорувчилик, бузғунчилик ва тарафкашлик кўринишлари билан қоришиб кетганлиги;

— Фаластин мухторияти маъмуриятидаги ихтилофлар, бўлинишлар, умумий мақсад йўлидаги интилишларда турли хил кураш йўли;

— Энг ачинарли жиҳатлардан яна бири — Яқин Шарқ муаммосининг сиёсий ечимида 22 араб давлатларининг масалага турлича муносабат билдираётганлиги ва бошқа жараёнларни эслатиш муҳим.

Дарҳақиқат, Яқин Шарқ ҳамон она заминимизнинг нотинч минтақаси бўлиб қолмоқда. Кейинги пайтда ушбу минтақага ҳам жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътибори кучайди, десак муболаға бўлмайди. Бу бежиз эмас, албатта. Яқин Шарқда кечаётган воқеалар сабаб, минтақада юзага келган вазиятдан келиб чиққан ҳолда, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, террор хуружларининг олдини олиш — бутун инсониятнинг умумий кураш йўлига айланиши керак.

**Қобилбек КАРИМБЕКОВ,**
**сиёсий шарҳловчи.**

*Шахмат*

## РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ - КУЧЛИЛАР САФИДА

***Халқаро шахмат федерацияси - ФИДЕ уч ойда бир марта жаҳоннинг энг кучли шахматчилари рўйхатини эълон қилади.***

*2002 йилдаги дастлабки рейтингда россиялик шахмат устаси Гарри Каспаров 2838 очко билан етакчилик қилмоқда. Ундан 29 очко кам тўплаган Владимир Крамник иккинчи, ҳиндистонлик Вишванатан Ананд 2757 очко билан учинчи поғонани эгаллаган.*

*Ўзбекистонлик истеъдодли ёш гроссмейстер Рустам Қосимжонов 2695 очко билан кучлилар рўйхатининг 15-поғонасида қайд этилган. Яна бир машҳур россиялик шахматчи Анатолий Карпов эса Р.Қосимжоновдан икки очко кам тўплаган ҳолда 16-ўринни эгаллаб турибди.*

**(ЎзА).**

## Ҳунардан унар



Фарғона шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли Ўқувчилар техник-ижодиёт маркази бадиий, техник ижодкорлик ва халқ амалий санъати йўналишлари бўйича машғулотлар ўтказишга ихтисослашган. Бу ерда иқтидорли ёшларни тарбиялаш ва уларга ҳунар ўргатишга алоҳида эътибор қаратилган. 24 та тўгарак намунали ишлаб турибди.

Марказга 1210 нафар ўқувчи аъзо. Улар дарсдан бўш вақтларида севимли масканларига келиб ҳунар ўрганишмоқда.

**Суратда: тўгарак раҳбари Момохон Анорбоева шогирдлари билан машғулот пайтида.**

**М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

*Миллий қадриятларимиз*

***Қаршидан 40 километр узоқликда жойлашган воҳанинг қадимий шаҳри харобалари Касбитепада ўтмишнинг сирли излари пинҳона сақланиб ётибди. Ёдгорлик мажмуасидан топилган осори атиқалар Бухоро-Насаф савдо йўлида жойлашган бу хушманзара маскан аҳли ўтмишда ҳунармандчилик билан шуғулланганлигидан дарак беради. Археологик қазишмаларда аниқланишича, Касбида кулолчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши VIII-XII асрларга тўғри келади. Кулолчилик билан ерли аҳоли бир неча минг йиллар аввал шуғулланишган.***

# КАСБИ КУЛОЛЛАРИ

Эндиликда Касби кулолларини нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг бир қанча мамлакатларида ҳам танишади. Қўли гул ҳунармандлар ясаган сопол буюмлар океан орти — АҚШга ҳам етиб борган.

Қишлоқда кулолчилик мактабининг шаклланишига катта ҳисса қўшган, аждодлари касбини ардоқлаб келаётганлардан бири Бозор ака Итолмасов оиласидир. Эллик тўрт ёшга қадам қўйган камтарин ва фидойи инсоннинг етти шажараси кулолчиликни шарафлаб, элда обрў-эътибор орттирган.

Итолмас отадан 12 та фарзанд — беш ўғил, етти қиз қолган. Улар ҳам ота касбини эгаллашган.

— Махсус тупроқдан қорилган лойдан чойнак-пиёла, коса, товоқ, лаган, кўза, хурмача, тоғора, хум, тандир каби 20 хилдаги буюмлар ясаймиз, — дейди Бозор кулол. — Болалар учун ҳар хил ўйинчоқлар ҳам тайёрлай бошладик.

Ушбу қадимий қишлоқда элликдан зиёд оила кулолчилик билан шуғулланади. Ҳамқишлоқлар — Ўктам Аминов ва Бахтиёр Сатторовлар ҳам Бозор акадек моҳир ҳунармандлардан саналади.

Ота дуосини олган тажрибали инсон умр йўлдоши Бибиш опа Пардаева билан 6 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказишди. Ўғиллари Тўйчи, Қаҳрамон, қизи Насиба, куёви Қаҳрамон Ҳайдаровлар Бозор ака билан ёнма-ён меҳнат қилишаяпти.

Қўли гул ҳунарманд севган касби сирларини невара-чеваraларига ҳам эринмай ўргатмоқда. Ҳатто беш ёшли набираси Жаҳонгир ҳам ўйинчоқлар ясашни билади. Укаси Фахриддиннинг 5-синфда ўқийдиган ўғли Жамолиддин тайёрлаган маҳсулотлар вилоят ва республика кўргазмаларидан муносиб ўрин олган.

Кулолчилик машаққатли ва қийин иш. Оддий тупроқдан ҳаманинг эътиборини тортадиган сопол буюмлар, ёзда сувни салқин сақлайдиган кўза ва хумлар, дастурхонимизни безаб турган бўрсилдоқ нонлар ёпиладиган тандирлар ясаш осон эмас, албатта. Бозор ака ва унинг шогирдлари бобоси Очил кулол Эрниёз ўғлининг ўгитларига амал қилиб, сермашаққат касбни тарғиб қилиб келишяпти.

— Хомашёни асосан зовур бўйларидан олиб келаяпмиз, — дейди Бозор ака. — Тупроқ олиш учун кулолларга ер ажратилса нур устига аъло нур бўлар эди.

Суҳбат жараёнида кулолларнинг ўзига яраша муаммолари борлигини ҳис этамиз. Зеро, вилоят «Ҳунарманд» уюшмаси, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, туман ҳокимлигидаги мутасадди раҳбарлар ҳунармандлар ишининг ривож топишига кўмаклашсалар ёмон бўлмасди.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## «ИЗДОШЛАР» КЎРГАЗМАСИ

Фарғона вилоят ўлкашунослик музейида таниқли рассом Александр Вольков хотирасига бағишлаб «Издошлар» деб номланган рангтасвир кўргазмаси ташкил этилди. Унда мўйқалам устасининг турли мавзулардаги асарлари, издошлари ва шогирдларининг ижодий ишлари ҳам намойиш қилинмоқда.

- Кўргазмадан рассомнинг вилоят ўлкашунослик музейи фондида сақланаётган асарлари кенг ўрин олган,- дейди музей директори Б.Ҳошимов. - Рассом асарлари ҳаётлигидаёқ кенг шуҳрат қозонган. Улар фусункорлиги, табиийлиги ва бўёқлар уйғунлигига кўра кишини ҳайратга солади.

Кўргазмадан мақсад Фарғона рассомчилик мактаби тажрибаларини тарғиб қилиш орқали ёш рассомларнинг ижодий изланишларига кенг йўл очишдир. Бошқа таниқли рассомлар асарлари кўргазмасини ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

## ҒОЛИБГА - «ДАМАС»

«Андижонни гуллар вилоятига айлантирайлик» кўрик-танловига якун ясалди. Кўрик-танлов доирасида кенг миқёсда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди, маънавият ва маърифат, таълим, санъат ва маданиятни ривожлантириш борасидаги хайрли ишлар давом эттирилди.

Кўрик-танловда Асака шаҳри, Асака, Жалолкудуқ, Қўрғонтепа, Андижон, Олтинкўл, Пахтаобод туманлари аҳолиси юқори натижаларга эришди. Танлов якунларига кўра биринчи даражали диплом ва «Дамас» автомобили Жалолкудуқ туманига топширилди. Иккита иккинчи ўринни Асака шаҳри ва Марҳамат тумани эгаллади. Улар иккинчи даражали дипломлар ва 2 миллион сўм миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланди. Учинчи даражали дипломлар ва 1 миллион сўм мукофот Асака ва Қўрғонтепа туманларига насиб этди. Жорий йилда ҳам кўрик-танловни давом эттиришга қарор қилинди.

**(ЎзА).**

*Дунё бизни танимоқда, биз дунёни*

# АВСТРИЯ

*(Боши 2-бетда)*

Бу мамлакатда табиий бойликлар анчагина: магнезий, нефт, табиий газ, қўнғир кўмир, темир рудалари, қўрғошин-рух ва вольфрам рудалари, боксит, графит, ош тузи заҳиралари мавжуд.

Мамлакат иқтисодиётида саноат ва хизмат соҳалари етакчи ҳисобланади. Саноатда машинасозлик, металлургия, кимё, целлюлоза-қоғоз, тоғ-кон саноатлари, тўқимачилик ва озиқ-овқат тармоқлари яхши тараққий этган. Хусусий сектор етакчи ўринни эгаллагани ҳолда саноат ишлаб чиқаришининг бешдан бири (20 фоизи) давлатга тегишли, яъни иқтисодиёти аралашдир.

Австрия ниҳоятда самарадор қишлоқ хўжалигига эга, аграр секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 3-4 фоизни ташкил этади. Аҳолини таъминлаш учун зарур бўлган барча маҳсулотлар етиштирилади. Шу билан бирга чорвачилик қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳасидир, яъни гўшт, сут таъминоти юқори даражададир. Бу соҳа хусусий фермерчилик хўжаликлари асосида юқори механизация ва самарадорликка асосланиб олиб борилади.

Айниқса, хориж туризми мамлакат иқтисодиётида энг сердаромад соҳага айланган. Фақат шу соҳа фаолияти туфайли давлат хазинасига деярли 15 млрд доллар фойда келади. Бу кичик бир давлат иқтисодиёти учун ниҳоятда катта даромад манбаи бўлиб ҳисобланади. Албатта, бундай ютуққа эришиш осонлик билан рўй бермайди. Аввало, мамлакатда тинчлик-осойишталик таъминланган бўлиши, туристларнинг турли-туман талабларини қондирадиган инфраструктура яратилиши керак. Бу намунали транспорт, алоқа, меҳмонхона хизматлари, улардаги беками-кўст сервис, тарихий ёдгорликлар, яхши муомала ва ҳоказолар юқори савияда амалга оширилишини тақозо этади. Австриянинг қулай географик жойлашуви, иқлимининг мўътадиллиги, жаҳонга машҳур Альп ўтлоқлари, тоғликлари, қишки чанғи учун зарур шароитларнинг яратилганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Темир йўллар узунлиги 6.028 км, автомобил йўлларининг узунлиги эса 95.412 минг км дан ортиқдир. Мамлакатда 3 млн дан ортиқ енгил ва 250 минг юк автомобиллари мавжуд. 446 км сув йўлларида Вена ва Линц дарё портлари мавжуд. 9 та халқаро аэропорт аҳолини дунёнинг асосий минтақалари билан муттасил боғлаб туради. «Аустриан Эйрлайнз» энг йирик авиакомпаниялардан биридир.

Австрия учун савдо ғоят муҳимдир. Бу давлат 150 хорижий мамлакат билан савдо олиб боради. Асосий савдо шериги ГФР, унга 40 фоиз товар айланма тушади. Ундан ташқари, Италия ва Швейцария билан ҳам яхши савдо муносабатлари ўрнатилган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) билан 2 фоиз миқдорида товар айланмага эга.

Австриянинг олтин валюта заҳиралари 140 млрд шиллинг бўлиб, ташқи давлат қарзи 146 млн шиллинг, бу унчалик катта қарз эмас, иқтисодиётнинг ривожланишига тўсиқ бўла олмайди.

Аҳоли жон бошига яратиладиган даромад бўйича энг юқори (9) ўринни эгаллайди. Йиллик нархлар ўзгариши 3 фоиз атрофида, ишсизлик даражаси ҳам унча юқори эмас (5,8 фоиз).

Умумий мажбурий таълим 6 ёшдан бошланади ва 9 йил давом этади (таянч таълим). Давлат мактаблари ва олий таълим бепулдир. Мамлакатда 18 олий ўқув юрти бор, ундан 12 таси университетлардир. 1365 йили ташкил этилган Вена университети энг қадимги ва салоҳиятли ўқув юрти бўлиб ҳисобланади.

Австрияда 20 дан ортиқ кундалик газеталар чоп этилади, уларнинг бир марталик адади (тиражи) деярли 3 млн га тенг. Энг йирик газеталари «Нойс Кронен-цайтунг» (1 млн), «Курир» (500 минг), «Ди Прессе» (100 минг). Телевидение ва радио эшиттиришлар ОРФ давлат компанияси томонидан амалга оширилади.

Австрия Республикаси мустақил Ўзбекистон Республикасини 1992 йил 15 январда тан олди ва 25 мартда дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатлар тобора авж олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ғарбий Европанинг юраги бўлган бу мамлакатга икки марта ташриф буюрган. 2001 йил декабрда бўлган ташрифда иқтисодий алоқалар бўйича бир қанча шартномалар имзоланди. Хусусан, 28 та янги лойиҳа кўриб чиқиш учун қабул қилинди.

Вена университети билан ҳамкорликда Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети қошида иқтисодчи кадрларни тайёрлаш бўйича катта лойиҳа амалга оширилмоқда. Австрия ва Ўзбекистон ўртасидаги товар айланма 65 млн доллар атрофида, 30 та қўшма корхона мавжуд.

Австрияда бир неча бор Ўзбекистонга оид илмий ва амалий конференциялар, кўргазмалар ўтказилди.

**Абдухалил РАЗЗОҚОВ,**
**ТДИУ профессори.**

## МАКТАБГА ЮНЕСКО СЕРТИФИКАТИ

Бухоро вилояти Вобкент туманидаги 4-ўрта мактаб ЮНЕСКО мактаблар уюшмасига қабул қилинди. Яқинда мазкур мактаб директори Аваз Омоновга республика Халқ таълими вазирлигида ЮНЕСКО бош директори Коичиро Мацууро томонидан имзоланган сертификат топширилди.

— Бизлар вилоятда иккинчи бўлиб ЮНЕСКО мактаблар уюшмасига аъзо бўлдик, - деди А.Омонов "Туркистон-пресс" мухбирига. – Мазкур уюшмага биринчи бўлиб Бухоро шаҳридаги 8-ўрта мактаб аъзо бўлганди. Ушбу сертификат мактабимизга катта масъулият юклайди. Демакки, бундан кейин янада кўпроқ меҳнат қилишимиз, мактабда таълимнинг халқаро андозаларини ва замонавий ўқитиш усулларини жадал суръатларда жорий этишимиз лозим.

## САҲНАДА БОБОРАҲИМ МАШРАБ

*Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусиқали драма театри Янги йилни янги асар билан қаршилади. Театрда Насрулло Қобул қаламига мансуб «На фалакман, на фаришта» спектаклининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан театр мухлислари ва мутахассислар Бобораҳим Машраб ҳаёти асарда янгича талқин қилинганини алоҳида қайд этиб, шу билан бирга ундаги баъзи жузъий камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтишди.*

## ЎЗФАНИНГ ВИЛОЯТ МАРКАЗИ

***Андижонда Ўзбекистон Фанлар академиясининг вилоят маркази очилди. Марказ Андижон ва Наманган вилоятлари олимларининг илмий изланишларини мувофиқлаштиради, шунингдек, ўзларининг иқтисодий жиҳатдан самарали бўлган кашфиёт ва ихтироларини ишлаб чиқаришга жорий этишда ёш, иқтидорли олимларга амалий ёрдам беради.***

- Андижонлик ва наманганлик фан арбобларининг илмий тадқиқотлари нафақат мамлакатимизда, балки ундан ташқарида ҳам маълум ва машҳурдир, - деди "Туркистон-пресс" мухбирига ЎзФА вилоят марказининг раҳбари, Андижон Давлат университетининг ректори, профессор Сирожиддин Зайнобиддинов. - Вилоят ҳар йили пахта, дон, пилла сотиш бўйича давлат олдидаги ўз мажбуриятларини ошиғи билан бажариб келади. Бунда, албатта, пахтачилик, дон ва дуккакли экинлар институтлари, қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртларининг ҳам хизмати кам эмас. Негаки, бу даргоҳларда буғдой ва пахтанинг бир қанча тезпишар, юқори ҳосилли навлари етиштириб берилади.

Чигитни плёнка остига экиш усулини муваффақиятли равишда жорий этган вилоят селекционер олимлари бу усулни янада такомиллаштириш устидаги илмий изланишларини давом эттирмоқдалар. Олимларнинг уруғни электромагнит ёрдамида саралаш ва экиш олдидан уни биоўғит билан бойитиш тўғрисидаги таклифлари деҳқонлар томонидан ижобий баҳоланди.

Фақат бугина эмас. Андижон Тиббиёт институти билан Муҳандислик-иқтисод институти томонидан ишлаб чиқилган рентгеноскопия усули, Андижон Давлат университети бир гуруҳ тадқиқотчи олимларининг маҳаллий хомашё асосида графит электродлар ва кальций карбиди олиш борасидаги изланишлари республика илмий жамоатчилиги ўртасида ва мамлакатимиз ташқарисида ҳам ижобий баҳо олди.

## ОРОМГОҲ ногирон болаларга беминнат хизмат кўрсатмоқда

Хоразм вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан яна бир хайрли ишга қўл урилди. Ногиронлар уйида таълим олаётган болалар учун Шовот санаторий-профилакторийси қошида спорт-соғломлаштириш оромгоҳи ташкил этилди. Ушбу савобли ишни амалга оширишда касаба уюшмаларига Шовот туман ҳокимлиги яқиндан ёрдам кўрсатди.

Айни кунда бу масканда 100 нафар ногирон болалар дам олиб, даволанмоқдалар. Шуниси диққатга сазоворки, оромгоҳда профилактик тиббий муолажалар билан бирга, жисмоний даволаш усуллари, хусусан, даволаш гимнастикаси ва машқлар олиб борилмоқда. Бунда Америка «Тинчлик корпуси»нинг «Ўзбекистонда махсус Олимпиада ҳаракати» йўналиши катта ёрдам бермоқда. Улар томонидан болаларга машғулотлар учун ўқув қуроллари, спорт кийимлари ва янги йил совғалари тақдим этилди.

**Гўзал СОЛИЖОНОВА,**
**Ўзбекистон Миллий университети талабаси.**

*Билиб қўйган яхши*

- Ер юзида энг иссиқ жой Ливиянинг Триполи шаҳрига яқин жойдадир. Бу ерда ҳаво ҳарорати 58 даражагача етиши аниқланган. Американинг Калифорния штатидаги Ажал деган водийда баъзан ҳарорат 57 даражага етади.
- Ер юзида энг совуқ жой Антрактида қитъасидир. 1960 йилнинг 24 августида Антрактидадаги «Восток» станциясида совуқ 88,3 даражага етди. Ҳозирга қадар Ер шарининг ҳеч бир жойида бундай совуқ бўлмаган.
- Ер юзида энг кўп шамол бўладиган жой — Виктория еридир. Антрактидадаги бу ҳудудда шамол тезлиги баъзан секундига 80 метрдан ошади. Шунинг учун ҳам бу жойни шамол қутби деб атайдилар.
- Атрофи девор билан ўраб олинган энг қадимги шаҳар Исроил мамлакатидаги Иерихондир. Бу ерда энг қуйи тупроқ қатламларидан олинган намуналарни радиоуглерод таҳлили ёрдамида тадқиқ қилиш натижалари шуни кўрсатадики, шаҳарда милоддан аввалги 7800 йилдаёқ 2700 га яқин одам яшаган экан.
- Пойтахтлар ичида Шом (Сурия)нинг бош шаҳри Дамашқ дунёда энг қадимги пойтахт ҳисобланади. У ерда тахминан милоддан олдинги 2500 йилдан бошлаб аҳоли яшаб келар экан.
- Дунёда энг баланд пойтахт Боливиянинг бош шаҳри Ла-Пасдир. Шаҳар денгиз сатҳидан 3631 газ баландликда бўлиб, 1548 йили ҳиндулар қишлоғи ўрнида барпо қилинган.
- Исландиянинг 95800 нафар аҳоли яшовчи Рейкявик шаҳри дунёда энг шимолий пойтахт саналади.

**А.АЛИЕВ тайёрлади.**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди21.50

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт–матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.*

Буюртма Г— 25. 1 2 3 4 5 6